

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎРОЗОВ НУРИДДИН ЭЛМУРАТОВИЧ**

**КОЛХИПРИТ-НЕО ПРЕПАРАТИНИНГ ЎСМАГА ҚАРШИ  
ФАОЛЛИГИ ВА ТОКСИКОЛОГИЯСИНИ ЎРГАНИШ  
(ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТ)**

**14.00.14 – Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of phylosophy (PhD)**

**Ўрозов Нуриддин Элмуратович**

Колхиприт-нео препаратининг ўсмага  
қарши фаоллиги ва токсикологиясини  
ўрганиш (экспериментал тадқиқот) ..... 3

**Урозов Нуриддин Элмуратович**

Изучение противоопухолевой активности  
и токсикологии препарата колхиприт-нео  
(экспериментальное исследование) ..... 27

**Urazov Nuriddin Elmuratovich**

The study of the antitumor activity and  
toxicology of the drug colchiprit-neo  
(experimental work) ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 55

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎРОЗОВ НУРИДДИН ЭЛМУРАТОВИЧ**

**КОЛХИПРИТ-НЕО ПРЕПАРАТИНИНГ ЎСМАГА ҚАРШИ  
ФАОЛЛИГИ ВА ТОКСИКОЛОГИЯСИНИ ЎРГАНИШ  
(ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТ)**

**14.00.14 – Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.DSc/Tib564 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-сайтида ([www.cancercenter.uz](http://www.cancercenter.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ибрагимов Шавкат Нарзикулович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Ходжаев Абдувоҳид Валиевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Хашимова Зайнат Саттаровна**  
биология фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент тиббиёт академияси**

Диссертация ҳимояси 2025 й. «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да соат \_\_\_\_\_ да Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий даражалар бериш бўйича DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 рақамли Илмий Кенгаш йиғилишида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383. Тел/факс: (+99871) 246-05-13; e-mail: [www.cancercenter.uz](http://www.cancercenter.uz)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг ахборот-ресурс марказда танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ -сон билан рўйхатдан ўтказилган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383. Тел/факс: (+99871) 246-05-13.

Диссертация автореферати тарқатилди «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 йилда.  
(2025 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -сонли юбориш протоколи реестри).

**М.Н.Тилляшайхов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.А.Адилходжаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**М.Х.Ходжибеков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Бугунги кунда дунёда хавфли ўсма билан касалланиш йилдан-йилга ошиб бормоқда ва ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар сирасига кирувчи хавфли ўсмаларга қарши кураш катта аҳамиятга эга. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, «...дунё бўйича 2022 йилда 19 976 499 нафар янги онкологик беморлар аниқланган бўлиб, йил давомида 9 743 832 нафар вафот этган...»<sup>1</sup>. Онкологик касалликларни асосий даволаш усулларида бири кимёвий препаратлар билан даволашдир. Ҳозирда ўсмага қарши кўплаб кимёвий препаратлар яратилганлигига қарамадан янги препаратларни яратиш ўсмага қарши курашнинг ажралмас қисмидир. Холбуки, аксарият мавжуд кимёвий воситаларга вақт ўтиши билан ўсмаларда резистентлик пайдо бўлади ва даволаш самараси сезиларли пасаяди. Анъанавий цитостатик препаратлардаги юқори токсиклик даражаси ҳамда ён таъсирларнинг кўплиги, янги кам токсиклик даражасига эга, резистентликни енгиб ўта оладиган селектив препаратлар яратилиши бўйича назарий ва клиник тадқиқотлар олиб борилиши муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда сўнгги йилларда онкология соҳасида кам токсик ва юқори самарали янги ўсмага қарши дори воситаларини яратиш бўйича кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, хавфли ҳужайраларга аниқ таъсир этувчи, нормал тўқималарга зарари кам бўлган препаратларни ишлаб чиқишдир, молекуляр биология, фармакогеномика ва биоинформатика соҳаларидаги ютуқлар орқали саратон ривожланишида иштирок этувчи янги сигнал йўллари аниқланди ва уларга йўналтирилган ингибиторлар, иммун жавоб назоратини модуляция қилувчи агентлар, антиангиоген воситалар ва мутацияга хос препаратлар ишлаб чиқиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Дорига чидамликни енгиш мақсадида турли таъсир механизмларига эга агентларни биргаликда қўллаш синергетик таъсирни бераётгани аниқланди. Индивидуал ёндашув тамойили асосида молекуляр профилаштиришга таянилган шахсий даволаш схемалари ишлаб чиқилмоқда. Иммун тизимини фаоллаштирувчи ва ўсмага қарши иммун жавобни кучайтирувчи, маҳаллий ўсимлик хомашёларидадан иммуномодулятор препаратлар яратишга катта эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, онкологик касалликларни эрта ташхислаш ва самарали даволашга йўналтирилган чоратадбирлар изчил амалга оширилмоқда. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг еттига устувор йўналиши доирасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш мақсадида «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> бўйича вазифалар

<sup>1</sup>[https://gco.iarc.fr/today/en/dataviz/pie?mode=population&group\\_populations=0&types=0](https://gco.iarc.fr/today/en/dataviz/pie?mode=population&group_populations=0&types=0)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2022 йил 28 январдаги № ПФ-60-сон «2022–2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида».

белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, анъанавий цитостатик препаратлардаги юқори токсиклик даражаси ҳамда ён таъсирларнинг кўплиги, янги кам токсиклик даражасига эга, резистентликни енгиб ўта оладиган селектив препаратлар яратилиши бўйича назарий ва клиник тадқиқотлар олиб борилишини муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу йўналишда янги, ҳар томонлама мукамал, беморларнинг яшаш сифат кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатадиган, замон талабларига мос, маҳаллий хом ашёдан ўсмага қарши дори препаратларини яратиш тадқиқотлар замонавий онкологиянинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Юқорида келтирилган фикрлар ушбу муаммонинг долзарблигини яна бир бор тасдиқлайди ва мазкур йўналишда илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2021 йил 27 майдаги ПҚ–5130-сон «Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги вақтда дунёнинг етакчи илмий марказларида илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан бири бу ўсманинг дори воситаларига чидамлилигини ўрганиш назарий ва амалий онкологиянинг долзарб муаммоларидан бири бўлган ва бўлиб қолади. Антимитотик ўсмага қарши дорилар даври колхицин алкалоиди билан бошланди. Унинг таъсири таъсир механизми ўхшаш бўлган табиий келиб чиқишли ўсмага қарши дорилар Vinca алкалоидлари ва уларнинг виндезин ва навельбин каби ҳосилалари, этопозид ва тенипозид каби подофиллотоксин лактон унумлари, таксол ва таксотер каби таксанлардан яхши эканлиги аниқланди (Турсунова Н.В. ва бошқ. 2018й., Van Asperen J. et all. 1996). Ҳозирда дунёда токсиклиги пастроқ ва фаоллиги юқори бўлган колхицин ҳосилаларини яратишга катта эътибор қаратилмоқда (Shi Qian. et all. 1998, Bane S. et all. 2009, Kim S.K. et all. 2013) ва бошқалар.

Республикамизда шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг РИОваРИАТМ ўсмага қарши препаратларини ишлаб чиқиш лабораториясида синтез ишлари олиб борилди ва колхицин ва колхамин трополон алкалоидлари асосида олинган янги бирикмаларнинг биологик хусусиятлари ўрганилмоқда (ЕникееваЗ.М., 2016). Колхицин ҳосилаларини бир нечтаси токсиклик ва ўсмага қарши фаоллигини *in vivo* ўрганилди. Ҳайвонларнинг 6 та кўчирилган ўсма штамларида колхиприт (К-20) ўзининг юқори самарадорлиги билан ажралиб турди. Колхипритни чуқур ўрганиш учун АҚШ Миллий саратон институтида (NCI USA) 60 та инсон саратон линияларида ўтказилган *in vitro* тадқиқотларда препаратнинг аксарият субпанелларда (Курбанова О.И., 2014) ўсмага қарши юқори фаоллиги асос бўлди. Препаратнинг цитотоксик фаоллиги  $10^{-4}$ М/л, яъни 55 мг/кг бўлганда кузатилади, бунда олдин ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра қорин бўшлиғига юборилганда токсиклиги 54 мг/кг ни ташкил қилган ҳолда препарат фаоллиги 3 - 5 мг/кг да ўрганилган. Мазкур тадқиқотда ушбу препарат перорал қўлланишда ўрганилган.

Янги препаратни ўрганишда олинган ижобий характеристика уни келажакда АҚШ Миллий саратон институти тавсиясида келтирилган 9 турдаги ўсмалар, жумладан меланома, бўйрак, простата, ўпка, сут бези, колоректал саратонларини даволашда кенг қўллаш истиқболларини очади. Ушбу препаратни ўсмага қарши фаоллигини қорин бўшлиғига юбориладиган шакли ҳамда клиникада кенг қўлланиладиган, турли таъсир механизмига эга сантимитотик, алкилловчи, топоизомеразаларга таъсир кўрсатувчи анъанавий кимёвий дорилар билан солиштириб ўрганиш лозим. Бундан ташқари унинг узок вақт қўлланганда хавфсизлик даражасини ҳам ўрганиш учун долзарб муаммоси ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг "Маҳаллий ўсимлик хом ашёсидан янги ўсмага қарши препаратларни яратиш" (Дековин янги ўсмага қарши препаратини такомиллаштириш, турли локализацияли ўсмалар учун ишлаб чиқилган Декоцин ва Колхиприт препаратларининг янги дори шакллари яратиш) мавзусидаги ИТСС-10 – сонли илмий лойиҳаси асосида бажарилди.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Колхиприт-нео препаратининг перорал қўллашда ўсмага қарши фаоллиги ва токсикологик таъсирини қиёсий ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Колхиприт-нео препаратининг токсик ва терапевтик дозаларини аниқлаш;

Колхиприт-нео препаратининг ўсмага қарши фаоллигини ўсмаларни кўчириб ўтказишдан кейинги эрта ва кечки даврларда, ҳамда камроқ дозада юборишда ўрганиш;

турли ўсма штаммларида колхиприт-нео препаратининг ўсмага қарши фаоллигини анъанавий цитостатиклар билан солиштириб ўрганиш;

Колхиприт-нео препаратининг иммунитетга таъсирини ўрганиш;

янги колхиприт-нео препарати токсикологик тадқиқотларини ўтказиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида саркома 180, Эрлих солид ва асцит ўсмалари, Уокер карциносаркомаси, саркома 45 ва тухумдон ўсмалари кўчириб ўтказилган зотсиз сичқон ва каламушлар олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг РИОваРИАТМ ўсмага қарши дориларни яратиш лабораториясида колхициндан синтез қилинган колхаметин-нео препарати олинди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун экспериментал онкология усуллари, иммунологик, токсикологик ва статистик текширув усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

экспериментда парентерал юборилганидан ўсмага қарши дори колхиприт-неонинг сурункали токсиклиги, иммуномодуляция қон ҳосил қилиш кўрсаткичларига таъсир кўрсатмаслиги юқори дозаларда кам токсиклиги ҳисобига қўллаш мумкинлиги исботланган;

стандарт кимё терапия препаратлари билан солиштирганда, интрапариетал юбориладиган шакли ўсма хужайраларида митотик жараёнини бузилишига олиб келиши ҳисобига колхиприт-неони юқори цитостатик фаоллиги исботланган;

экспериментда юклама билан перорал усулда колхиприт-нео препаратни қабул қилганда 2 ва 4 даражали токсиклик ошиши, жигар ва бўйраклар фаолиятига салбий таъсир қилиши ҳисобига, терапевтик дозаларда ҳамроҳ кўмаклашувчи терапия билан қўлланилиши исботланган;

ўсмага қарши экспериментал дори-воситаси колхиприт-нео Т-хужайрали ва В-хужайрали иммунитет индукцияси ва иммуномодуляцион таъсирини стимуляцияси, ўсмага қарши антитаначалар ишлаб чиқарилиши ҳисобига ўсмага қарши юқори фаоллиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

колхиприт-нео препаратининг перорал қўллаганда унинг қорин бўшлиғига юборишдаги вариантига нисбатан препаратни дозасини ошириш имконияти пайдо бўлди, бунда унинг ўсмага қарши фаоллиги ошиши билан бир қаторда токсиклик даражаси сезиларли камайиш таъсири борлиги аниқланган.

препаратнинг узоқ вақт, яъни 30 кун давомида терапевтик дозада қўллагандаги сурункали токсикликни ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар колхиприт-неонинг нисбатан хавфсизлигини аниқланган;

янги препаратни ўсма хужайраларига таъсирини ўрганиш бўйича услубий тавсиянома ишлаб чиқилди ва келажакда колхиприт-нео препаратининг перорал шаклда амалиётда фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** экспериментал онкология, токсикологиянинг қўлланиладиган усуллари ва кимётерапевтик, иммунологик ва статистик тадқиқот усуллари ни ўтказиш учун етарли миқдордаги ҳайвонлар билан тасдиқланган, статистик ишлов бериш олинган натижаларнинг ишончлилиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, яратилган алкилловчи таъсирга эга бўлган кам токсиклик даражали янги цитостатик препарат иммунитет кўрсаткичларини оширган ҳолда одам ўсмаларининг 9 та локализациясида *in vitro* тадқиқотларда ҳамда ҳайвонларнинг 6 турдаги турли ўсма штамларида юқори ўсмага қарши фаолликни ошириши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти даволаш самарадорлигини ошириш учун янги ўсмага қарши препаратни қўллаш мақсадга мувофиқлигини исботлашдан иборат, чунки унинг фаоллиги кўп сонли тижорат цитостатикларига қараганда юқори ва ножўя таъсир даражаси билан пастроқ изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2025 йил 10 мартдаги 13/11-сон қарорига кўра:

*Биринчи илмий янгилик:* экспериментда парентерал юборилганидан ўсмага қарши дори колхиприт-неонинг сурункали токсиклиги, иммуномодуляция қон ҳосил қилиш кўрсаткичларига таъсир кўрсатмаслиги юқори дозаларда кам токсиклиги ҳисобига қўллаш мумкинлиги исботланганлиги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети қошидаги Биофизика ва биокимё институти амалиётига 2024 йил 15 ноябрдаги 24/1-й/б-сонли буйруқ билан ҳамда Тошкент тиббиёт академиясининг Термез филиали амалиётига 2024 йил 28 ноябрдаги 46-Т-сонли буйруғи билан тадбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* янги колхиприт-нео препаратининг ўсмага қарши фаоллиги, сурункали токсиклиги ва иммуномодуляция қилиши экспериментда ўрганилганда, препаратнинг кам токсиклиги, қон ҳосил қилиш кўрсаткичларига деярли таъсир кўрсатмаслиги уни юқори дозаларда ҳам қўллаш имкониятини бериши ўсма касалликларни даволаш имконини оширади. *Иқтисодий самарадорлиги:* янги колхиприт-нео препаратининг ўсмага қарши фаоллиги, сурункали токсиклиги ва иммуномодуляция қилиши экспериментда ўрганилганда, препаратнинг кам токсиклиги, қон ҳосил қилиш кўрсаткичларига деярли таъсир кўрсатмаслиги уни юқори дозаларда ҳам қўллаш имкониятини бериши мамлакатимиз олимлари томонидан яратилиши ва унинг қўллаш дозаларини белгиланиши келажакда унинг клиник тадқиқотлар ўтказилишини таъминлайди. *Хулоса:* маҳаллий ўсимлик хом ашёсидан янги ўсмага қарши фаол препаратнинг яратилиши ва унинг терапевтик дозаларини аниқланиши кейинги босқич тадқиқотларга имкон беради.

*Иккинчи илмий янгилик:* стандарт кимё терапия препаратлари билан солиштирилганда, интрапариетал юбориладиган шакли ўсма хужайраларида

митотик жараёнини бузилишига олиб келиши ҳисобига колхиприт-неони юқори цитостатик фаоллиги исботланганлиги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети қошидаги Биофизика ва биокимё институти амалиётига 2024 йил 15 ноябрдаги 24/1-й/б-сонли буйруқ билан ҳамда Тошкент тиббиёт академиясининг Термез филиали амалиётига 2024 йил 28 ноябрдаги 46-Т-сонли буйруғи билан тадбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* хайвонларда олиб борилган тадқиқотларда перорал юборилган колхиприт-нео препаратининг юқори даражада ўсмага қарши фаоллиги онкологик беморларни даволаш имкониятини оширади. *Иқтисодий самарадорлиги:* перорал юборилган колхиприт-нео препаратининг юқори даражада ўсмага қарши фаоллигининг исботланиши унинг устида кенг тадқиқотлар олиб борилишини ва натижада импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтириш имконини берувчи маҳаллий цитостатик дори воситасини ишлаб чиқариш имкониятини беради ва давлат бюджетидан кимёвий препаратларга ажратиладиган маблағнинг 20% ини иқтисод қилиш имконини беради. *Хулоса:* биринчи марта колхиприт-нео препаратининг ўсмага қарши фаоллиги 6 та ўсма кўчирилган сичқон ва каламушларнинг штаммларида ўсма кўчириб ўтказилгандан кейинги эрта ва кеч даврларда қорин бўшлиғига юбориладиган шакли ҳамда клиникада кенг қўлланиладиган анъанавий кимёвий дорилар билан солиштириб ўрганилганда перорал юборилган колхиприт-нео препаратининг юқори даражада ўсмага қарши фаоллиги ва амалиётда кенг қўлланиладиган анъанавий цитостатиклар билан таққослаганда колхиприт-нео препаратининг юқори цитостатик таъсири кузатилган.

*Учинчи илмий янгилик:* экспериментда юклама билан перорал усулда колхиприт-нео препаратни қабул қилганда 2 ва 4 даражаси токсиклик ошиши, жигар ва бўйрақлар фаолиятига салбий таъсир қилиши ҳисобига, терапевтик дозаларда ҳамроҳ кўмаклашувчи терапия билан қўлланилиши исботланганлиги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети қошидаги Биофизика ва биокимё институти амалиётига 2024 йил 15 ноябрдаги 24/1-й/б-сонли буйруқ билан ҳамда Тошкент тиббиёт академиясининг Термез филиали амалиётига 2024 йил 28 ноябрдаги 46-Т-сонли буйруғи билан тадбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* каламушлар 30 кун давомида перорал усулда колхиприт-нео препаратини қабул қилганда сурункали токсиклик даражасини ўрганиш препаратнинг дозасига боғлиқлигини кўрсатди, ҳамда терапевтик дозада препарат токсик таъсир кўрсатмаслиги препаратни инсонларда кам токсиклик билан қўллаш имкониятларини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* аксарият қўлланиладиган кимёвий воситалар организмда токсик салбий таъсир кўрсатиши маълум ва бу режалаштирилган даволаш курсини тўлиқ олмасликни ёки даволаш муддатини ўртача 5 кунга узайтиришни талаб қилади, бундан ташқари кўшимча ҳамроҳ кўмаклашувчи терапия ўтказилишини талаб қилади. колхиприт-нео препаратининг терапевтик дозаларда организмга токсик таъсир кўрсатмаслиги стационар ўрин-кунларининг 2-3 кунга қисқаришига ва ҳамроҳ кўмаклашувчи терапия учун

зарур бўлган 1 курсда ўртача 500 000 сўм иқтисод қилиниши таъминлайди. *Хулоса:* терапевтик дозаларда колхиприт-нео препаратининг сезиларли токсик таъсир кўрсатмаслиги даволаш муолажаларини узлуксиз ва қўшимча харажатларсиз ўтказиш имкониятини беради, беморлар ҳаёт сифатини яхшилади ва ўрин-қунлар сонини қисқартириш имконини беради.

*Тўртинчи илмий янгилик:* ўсмага қарши экспериментал дори-воситаси колхиприт-нео Т-ҳужайрали ва В-ҳужайрали иммунитет индукцияси ва иммуномодуляцион таъсирини стимуляцияси, ўсмага қарши антитаначалар ишлаб чиқарилиши ҳисобига ўсмага қарши юқори фаоллиги исботланганлиги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети қошидаги Биофизика ва биокимё институти амалиётига 2024 йил 15 ноябрдаги 24/1-и/в-сонли буйруқ билан ҳамда Тошкент тиббиёт академиясининг Термез филиали амалиётига 2024 йил 28 ноябрдаги 46-Т-сонли буйруғи билан тадбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* колхиприт-нео препаратининг иммунитетга таъсири ўрганилганда, унинг Т-ҳужайрали ва В-гуморал иммунитетга ижобий таъсир кўрсатишини, ўсмага қарши антитаначалар ишлаб чиқарилишини стимуляциясини, апоптоз рецепторларининг 2 баробар ошиши сабабли ўсма ҳужайралари ўлими индукциясига олиб келиши унинг беморларда қўллаш имкониятини кенгайтиради. *Иқтисодий самарадорлиги:* колхиприт-нео препаратининг иммунитетга таъсири ўрганилганда, унинг Т-ҳужайрали ва В-гуморал иммунитетга ижобий таъсир кўрсатишини, ўсмага қарши антитаначалар ишлаб чиқарилишини стимуляциясини, апоптоз рецепторларининг 2 баробар ошиши сабабли ўсма ҳужайралари ўлими индукциясига олиб келиши амалиётда қўлланиладиган анъанавий цитостатиклардан устунлигини кўрсатади. *Хулоса:* биринчи марта колхиприт-нео препаратининг иммунитетга таъсири ўрганилганда, унинг Т-ҳужайрали ва В-гуморал иммунитетга ижобий таъсир кўрсатишини, ўсмага қарши антитаначалар ишлаб чиқарилишини стимуляциясини, апоптоз рецепторларининг 2 баробар ошиши сабабли ўсма ҳужайралари ўлими индукциясига олиб келиши орқали уни беморларда қўллаш имконияти ошади, уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, даво самарадорлигини ошириш имконини беради.

Н.Э.Ўрозовнинг «**Колхиприт-нео препаратининг ўсмага қарши фаоллиги ва токсикологиясини ўрганиш (экспериментал тадқиқот)**» мавзусидаги диссертация тадқиқотида олинган юқоридаги 4 та илмий янгилик бошқа соғлиқни сақлаш муассаларига жорий этиш бўйича Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2025 йил 6 мартдаги 2145– сон хати билан соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган.

**Илмий натижаларнинг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 3 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 1 та республика миқёсида муҳокама қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 13 та илмий ишлар чоп этилган, шу жумладан 6 та журнал мақолалари, шундан 3 таси республика, 3 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий

натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, 6 та тезис нашр этилган, 1 та услубий тавсиянома ишлаб чиқилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, олтита боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва қўланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 131 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган эҳтиёж асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари баён этилган, объект ва предметга тавсиф берилган, тадқиқот натижалари Республикадаги илм-фан ва технологиянинг устувор йўналишларига мос эканлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, уларни амалиётга жорий этиш ҳолати, нашр этилган ишлар ҳақида маълумот ва диссертация тузилиши баён этилган.

Диссертациянинг **«Алкилиловчи таъсирга эга бўлган қўлланилаётган ўсмага қарши препаратлар, колхицин ва колхиприт ҳақида адабиётларга шарҳ»** дея номланувчи **биринчи бобида**— алкилиловчи кимётеревтик агентлар ҳақида маълумотлар берилган. Алкилиловчи кимётеревтик воситалар клиник онкологияда турли хавфли ўсмаларни даволашда фаол қўлланилиши ва бир қатор ҳолатларда ижобий натижалар бериши қайд этилган. Бироқ, аксарият ҳолларда ножўя таъсирлар сони кўплиги уларнинг кенг қўлланилишини чеклаётгани таъкидланган.

Тадқиқот колхициннинг ҳосиласи бўлган колхипритни ўрганишга йўналтирилганлиги муносабати билан, асосий эътибор колхициннинг ўзи ва унинг табиий ҳамда синтетик ҳосилаларининг ўсмага қарши фаоллигини таҳлил қилишга қаратилади. Бу уларнинг қорин бўшлиғига юборилганидаги токсик хоссаларини тўғри таққослаш учун зарур. Хусусан, колхицин ва колхиприт ҳамда янги препарат — колхиприт-нео бўйича преклиник тадқиқотлар натижалари кўриб чиқилган. Колхиприт-неонинг қорин бўшлиғига юборилгандаги токсиклиги аввалги колхипритга нисбатан 35–90 марта паст экани қайд этилган ва бу унинг хавфсизлик профили юқори эканлигини кўрсатади.

Бобда, шунингдек, АҚШ Миллий саратон институтида олиб борилган тадқиқотлар таҳлил қилинган бўлиб, уларда колхипритнинг инсон саратони ҳужайра линияларига нисбатан *in vitro* шароитдаги цитостатик таъсири ўрганилган. Шунингдек, препаратнинг таъсир механизми кенг ёритилган: нуклеин кислоталари синтезига, топоизомераза I ва II фаоллигига, шунингдек, кўп карра дорига чидамлик (ККДЧ) тизимига таъсири кўрсатилган. Бу эса ушбу модданинг юқори ўсмага қарши самарадорлигини изоҳлайди. Боб якунида колхиприт-нео препаратини қўллаш учун ўсма локализациясини танлашга оид ёндашув баён этилган бўлиб, у препаратнинг ўсма ҳужайралари культурасида ўсишини тўхтатиш қобиляти асосида белгиланади.

Диссертациянинг «**Материаллар ва усуллар: методология ва материалларни йиғишнинг умумий тавсифи**» дея номланувчи **иккинчи бобида** янги ўсмага қарши восита — колхиприт-неонинг асосий хусусиятлари, шунингдек, таққослаш учун қўлланган цитостатик препаратлар, лаборатория ҳайвонлари, ўсма моделлари ва тажриба ўтказиш усуллари баён этилган.

### 1-жадвал

#### Тажрибаларда ишлатиладиган ҳайвонларнинг тури ва сони

Тажрибанинг мақсади	Фойдаланилган ҳайвонлар		
	Тури	Линияси	Сони
Бир марталик таъсир қилишдан кейин препаратнинг ўткир токсиклиги	сичқон	зотсиз	70
	каламуш	чизиқли	164
Саркома 180 штаммида ўсмага қарши фаоллик	сичқон	зотсиз	22
Саркома 180 штамми бўйича дориларнинг ўсмага қарши фаоллигини цитостатиклар билан таққослаганда ўрганиш	сичқон	зотсиз	22
Цитостатиклар билан солиштирганда Эрлих солид ўсма штамми бўйича дориларнинг ўсмага қарши фаоллиги	сичқон	зотсиз	32
15-кундан бошлаб Эрлих солид ўсма штамми бўйича дориларнинг антитумор фаоллиги	сичқон	зотсиз	24
Эрлих солид ўсма штамми бўйича дориларнинг ўсмага қарши фаоллиги	сичқон	зотсиз	22
Эрлих асцит ўсма штамми бўйича дориларнинг ўсмага қарши фаоллиги	сичқон	зотсиз	15
УКС ўсмаси бўлган каламушларда интраперитонеал ва оғиз орқали юборилганидан кейин дориларнинг антитумор фаоллиги	каламуш	чизиқли	20
Саркома 45 ўсмаси бўлган каламушларда дориларнинг антитумор фаоллиги	каламуш	чизиқли	16
10-кундан бошлаб Саркома 45 ўсмаси бўлган каламушларда дориларнинг антитумор фаоллиги	каламуш	чизиқли	20
Саркома 45 ўсмаси бўлган каламушларда кселода ва доксорубицин билан солиштирганда интраперитонеал ва оғиз орқали юборилганидан кейин препаратнинг ўсмага қарши фаоллиги	каламуш	чизиқли	21
УКС ўсмаси бўлган каламушларда бир қатор цитостатиклар билан солиштирганда интраперитонеал ва оғиз орқали юборилганидан кейин дориларнинг ўсмага қарши фаоллиги	каламуш	чизиқли	62
Тухумдон ўсмалари бўлган каламушларда дориларнинг антитумор фаоллиги	каламуш	чизиқли	15
Препаратни оғиз орқали юборишдан кейин каламушларда препаратнинг сурункали токсиклигини ўрганиш	каламуш	чизиқли	24
Кумулятив хусусиятни ўрганиш	каламуш	чизиқли	10
Колхиприт-нео препаратининг тКХҚБга таъсирини ўрганиш	сичқон	зотсиз	20

Ўсимтали ҳайвонларнинг талоғидаги АФК сонига бирикмаларнинг таъсирини ўрганиш	сичқон	зотсиз	20
Экспериментда иммунологик ҳолатни ўрганиш	каламуш	чизиқли	18
Ўсимта штамларини сақлаш учун ҳайвонлар	сичқон	зотсиз	60
	каламуш	чизиқли	60

Тадқиқот объекти сифатида колхицин алкалоидининг янги ҳосиласи — колхиприт-нео (10- N- дезметокси- 10-N- дихлор- диэтиламино- колхицин хлоргидрати) танланган. Унинг брутто-формуласи  $C_{25}H_{31}O_5N_2Cl_3$  бўлиб, молекуляр массаси 545,5 ни ташкил этади. Модда манбада баён этилган усул бўйича синтез қилинган. Тажриба давомида препарат каламушларга икки хил усулда юборилган: перорал дозалари 100 ва 200 мг/кг миқдорида ўсма ўтказилгандан сўнг 2–3 ёки 10-кунида, ҳамда 3–5 мг/кг дозаларида қорин бўшлиғига, турли юбориш усуллариининг самарасини таққослаш мақсадида.

Колхиприт-неонинг фаоллигини баҳолаш учун хавfli ўсмаларнинг турли моделлари қўлланилган. Тажрибада саркома 180, Эрлих ўсмасининг солид ва асцит шакллари (СЭЎ ва ЭАЎ) билан зарарланган каламушлар, шунингдек, УКС, саркома 45 ва тухумдон ўсмаси (ТУ) бўлган каламушлар ишлатилган. Сўнгги иккиси ФГБУ «Н.Н. Блохин номидаги онкология НМИЦ» (Россия ТИВ) ва Алматы шаҳридаги Онкология институти ўсма банклари томонидан тақдим этилган. Қўшимча равишда, тажрибаларга ўсма ўтказилмаган ва ҳеч қандай даво олмаган интакт каламушлар ҳам жалб этилган — улар иммунологик тадқиқотлар учун хизмат қилган (1-жадвалга қаранг).

Колхиприт-неонинг ўсмага қарши самарасини баҳолашда таққослаш учун қуйидаги клиникада тасдиқланган стандарт цитостатик воситалар танланган: циклофосфамид, таксол, этопозид, доксорубицин, цисплатин, винкристин, 5-фторурацил ва кселода. Бу препаратлар янги модданинг самарадорлигини холис баҳолаш ва аниқ таққослаш имконини берган.

Тадқиқотда 307 та наслдор бўлмаган каламуш (18–23 г) ва 422 та каламуш (120–150 г) иштирок этди, улар ССВ СЭС виварийси (Ўзбекистон Республикаси ССВ)дан олинган. Барча ҳайвонлар стандарт шароитларда сақланган: ҳар бир катакда 4–12 та ҳайвон, табиий ёруғликда, озуқа ва сувга чекланмаган кириш имкони билан. Тажрибаларда назорат ва тажриба гуруҳлари ташкил этилган (ҳар бири 5–10 ва 6–10 тадан ҳайвонлардан иборат).

Ўсмаларни кўчириш учун модда стерил шароитда некротланган участкалардан тозаланиб, гомогенизация қилинди. Унга 0,9% ли физиологик эритма 1:10 нисбатда қўшилди. Хужайраларнинг ўртача яшовчанлик даражаси (84,3%) Горяев камерасида аниқланди. Олинган суспензия каламушларга (0,3 мл) ва каламушларга (0,5 мл) оёқ бўйни қисмига тери остига юборилди. Ҳайвонларни идентификациялаш пикрин бўёғи билан амалга оширилди.

Колхипритнинг умумий ва ўткир токсиклигини баҳолаш мақсадида каламуш ва каламушларда препаратни бир марта ошқозон орқали юбориш орқали тадқиқот ўтказилди. Литчфилд–Уилкоксон усули орқали  $LD_{50}$ ,  $LD_{16}$ ,  $LD_{84}$  ва энг қўп кўтариладиган доза аниқланди.

Колхиприт-неонинг ўсмага қарши фаоллиги ҳар куни берилиши орқали (перорал ва қорин бўшлиғига) ўрганилди. Тажрибалар ўсманинг эрта ва кеч босқичларида олиб борилди. Қуйидаги ўсма моделлари тадқиқ қилинди: Эрлих ўсмасининг асцит ва солид шакллари, саркома S180, Уокер карциносаркомаси, саркома 45 ва тухумдон ўсмаси. Штаммлар стандарт протоколларга мувофиқ каламуш ва каламушларда сақланган.

Даволаш ўсма ўтказилгандан сўнг 48–72 соат ёки 10–15 кундан кейин бошланган. Препарат кундалик 1 марта 8–10 кун давомида юборилди: каламушларга — 100–200 мг/кг перорал, 3–4 мг/кг қорин бўшлиғига; каламушларга — 30 мг/кг перорал, 2 мг/кг қорин бўшлиғига. Қиёс учун стандарт цитостатиклар қабул қилинган режимлар асосида қўлланилди.

Назорат гуруҳидаги ҳайвонларга ҳам препарат юборилган кунларда мос ҳажмда эритувчи юборилди. Даволаш тугагач, камида 7 кундан кейин барча ҳайвонлар гумман тарзда, лаборатория ҳайвонлари билан ишлаш қоидаларига риоя қилган ҳолда сўйилди. Барча ҳайвонларда тажриба бошида ва охирида тана массаси аниқланди.

Ўсма ўсиш динамикасини баҳолаш учун назорат ва тажриба гуруҳларида ўсмалар ҳажми тажриба бошида ва кейин ҳар 5 кунда 3 проекцияда ўлчанди. Сўйиш пайтида ўсманинг сўнгги ҳажми (V) ва массаси (M) аниқланди. Ўсма ўсишини тормозлаш коэффициенти (ТРО) қуйидаги формулалар асосида ҳисобланди:

$$\text{ЎЎТ}\% = (V_{\text{тажр.}} - V_{\text{назорат}}) / V_{\text{тажр.}} \times 100\%$$

$$\text{ЎЎТ}\% = (M_{\text{тажр.}} - M_{\text{назорат}}) / M_{\text{тажр.}} \times 100\%$$

Бу ерда  $V_{\text{назорат}}$  - назорат гуруҳидаги ҳайвонлардаги ўсимтанинг ўртача ҳажми,  $V_{\text{тажр.}}$  - экспериментал гуруҳ ҳайвонларида ўртача ўсимта ҳажми ёки  $M_{\text{назорат}}$  - назорат гуруҳидаги ҳайвонларда ўртача ўсимта массаси,  $M_{\text{тажр.}}$  - экспериментал гуруҳ ҳайвонларида ўртача ўсимта массаси.

ЭАЎ билан ўтказилган тажрибада дориларнинг самарадорлиги назоратга нисбатан даволанган гуруҳлардаги сичқонларнинг умр кўриш давомийлиги (УКД) ортиши билан баҳоланди. Таъсир тажриба тугагандан сўнг ва барча ҳайвонларнинг ўлимидан кейин аниқланади. Гуруҳдаги ўртача умр кўриш (ЎМК, кунлар) аниқланади ва ўртача умр кўриш (УКД%) ( $\text{УКД}\% = T/C - 100$ ) ва T/C кўрсаткичлари формулалар ёрдамида ҳисобланади:

$$\text{УКД}\% = (\text{ЎМК}_{\text{тажр.}} - \text{ЎМК}_{\text{назорат}}) / \text{ЎМК}_{\text{тажр.}} \times 100\%$$

$$T/C \% = (\text{ЎМК}_{\text{тажр.}} / \text{ЎМК}_{\text{назорат}}) * 100$$

Даволашнинг толерантлиги ҳайвонларнинг ўлими орқали баҳоланди. Ўлган ва эвтанизация қилинган ҳайвонларда эҳтимолий гематотоксиклик даражаси аниқланди, айрим тажрибаларда талоқ оғирлиги ҳам ўлчанди ва периферик қоннинг бир қатор кўрсаткичлари таҳлил қилинди.

Бирикманинг иммуномодулятор таъсири икки усулда ўрганилди:

биринчиси — Erne ва Nordin усулига асосланган локал гемолиз орқали талоқдаги антитана ҳосил қилувчи ҳужайралар (АХҚХ) сонини аниқлаш; иккинчиси — забой вақтида қон ва талоқдаги иммунокомпетент ҳужайралар рецепторларининг экспрессиясини моноклонал антитаналар ёрдамида баҳолаш. Ушбу методлар РФ ва ЎзР Фанлар академияси Иммунология институти тавсияларига (Залялиева М.В., Прохорова Р.С., 1999) асосланган.

Колхиприт-нео препаратининг селезёнкадаги эндоген колония ҳосил қилувчи бирликлар (КОЕс) даражасига таъсирини баҳолаш учун каламушлар Theratron-780-E аппарати ёрдамида 6 Гр дозада сублетал нурлантиришга учратилди. Нурлантиришдан 2 соат ўтгач, препарат турли дозаларда (1 мг/кг ёки терапевтик дозаларда) бир марта юборилди. Тўққизинчи куни ҳайвонлар эфир наркози остида сўйилди. Тананинг умумий массаси, талоқ оғирлиги ва КОЕс сони аниқланди. Микроколонияларни визуализация қилиш ва мустаҳкамлаш учун талоқ Буэн суюқлигида сақланди, сўнг Till J.E. ва McCulloch E.A. (1961) методикасига мувофиқ микроколониялар ҳисоблаб чиқилди.

Колхиприт-неонинг кумулятив хусусиятлари Lim ва ҳаммуаллифлар методи бўйича субхроник токсиклик тадқиқотлари орқали ўрганилди. Кумуляция индекси препаратнинг бир марта ва кўп марта юборилишидаги LD50 нисбатига асосан ҳисобланди.

Сурункали токсикликни баҳолаш тўртта каламуш гуруҳида (ҳар бирида 6 тадан эркак ва урғочи ҳайвон) ўтказилди. Назорат гуруҳига дистилланган сув юборилди, тажриба гуруҳларига эса колхиприт препаратлари 30, 61 ва 122 мг/кг дозаларда 30 кун давомида зонд орқали ҳар куни юборилди. Ҳар ҳафта ҳайвонлар массаси, периферик қон кўрсаткичлари, жигар ва буйрак фаолияти қайд этилди. Шу кўрсаткичлар 1 ойлик тикланиш давридан сўнг ҳам таҳлил қилинди.

Даволаш тугагач ва тикланиш даври якунида ҳайвонлар этаминал натрий наркози остида сўйилди. Сўнг, ички аъзоларнинг макроскопик кўриниши баҳоланди. Юрак, жигар, буйрак, талоқ, тимус ва жинсий безлар оғирлиги ўлчанди. Гистологик таҳлил учун ҳар бир аъздан 1 см<sup>3</sup> ҳажмда тўқима олиниб, 10% формалинда мустаҳкамланди, парафинга солиниб, 3–5 мкм қалинликдаги бўйлам сўкимлар тайёрланди ва гематоксилин-эозин билан бўялди. Препаратлар Leica DM-1000 (Германия) микроскопида 10× окуляр ва 10× ва 40× объективда таҳлил қилинди.

Натижаларни статистик ишлов бериш учун Statistica 6.0 дастурий таъминотидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Натижалар ва муҳокама: колхиприт-неонинг токсиклиги ва унинг ўсмага қарши фаоллиги**» дея номланувчи учинчи бобида препаратнинг умумий ва “ўткир” токсик таъсири бўйича тадқиқотлар баён этилган. Колхиприт препаратининг каламуш ва каламушларга бир марта ошқозон орқали юборилиши асосида ўтказилган тадқиқотларда, каламушларда LD50 1820 мг/кг, LD<sub>16</sub> = 1040 мг/кг, LD<sub>84</sub> = 2520 мг/кг экани аниқланган. Каломушларда LD<sub>50</sub> — 1217 (1067,5–1917,3) мг/кг, LD<sub>16</sub> = 1338,7

мг/кг, LD<sub>84</sub> = 1825,5 мг/кг бўлган. Максимал кўтариладиган доза (МКД) 1580 мг/кг ни ташкил этган.

Рўйхатдан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, перорал юборилган колхиприт-нео К-20 препаратига нисбатан анча камроқ захарлиликка эга эканлиги аниқланди. Масалан, каламушлардаги LD<sub>50</sub> кўрсаткичи 1820 мг/кг ни ташкил қилиб, парентерал йўл билан юборилган К-20 кўрсаткичидан 33 баравар юқори бўлди. Каламушларда ушбу кўрсаткич 1217 мг/кг ни ташкил қилиб, 97 баравар юқори бўлди. Перорал қўлланилганда препаратнинг максимал кўтариш дозаси (МКД<sub>10</sub>) 200 мг/кг ни ташкил қилди, аммо самарали терапевтик доза (ТД<sub>10</sub>) сифатида 100 мг/кг қабул қилинди — бу дозалар ичидаги фарқ 25–33 бараварни ташкил қилади.

## 2-жадвал

### Колхиприт, колхиприт-нео препаратларининг токсик дозаларини колхицин ва колхамин билан солиштириш

Препарат	Сичқонлар (қорин ичи/перорал) (мг/кг)					Каламушлар (қорин ичи/перорал) (мг/кг)				
	ЛД16	ЛД50	ЛД84	МКД (1)	МКД (10)	ЛД16	ЛД50	ЛД84	МКД (1)	МКД (10)
К-20(в/бр)	39,9	54,6	75,4	34,0	3-4	9,1	12,5	16,4	8,5	2,0
<b>К-20-нео per”os)</b>	<b>1040</b>	<b>1820</b>	<b>2520</b>		<b>200</b> ТД=100	<b>1338</b>	<b>1217</b>	<b>1825</b>	<b>1580</b>	<b>60</b> ТД=30
Колхицин	2,7	3,9	5,1	2,0	0,4		1,6		1,0	0,3
Колхамин	38	56,0	73	30,0	2,0		30,0		20,0	1,4

Худди шундай ҳолат каламушларда ҳам кузатилди: МКД<sub>10</sub> — 60 мг/кг, самарали ТД<sub>10</sub> — 30 мг/кг. Шу тариқа, токсикологик таснифга кўра, перорал юборилган колхиприт-нео (LD<sub>50</sub> = 1820 мг/кг) кам захарли моддалар тоифасига киради.

S180 саркома моделида (даволаш 3-куни бошланган) перорал 100 мг/кг доза 86/82% самара берди, ҳолида в/б 3 мг/кг — фақат 41/45%. Шунингдек, препарат тажриба охирида тана оғирлигини оширди. Лекин К-20 препарати (3 мг/кг, в/б) талоқ массас ини 48,25% га камайтирди, перорал 100 мг/кг доза эса фақат 8,8% га. Қон кўрсаткичлари ҳам ёмонлашди: лейкоцитлар 17%, эритроцитлар 16%, гемоглобин 2% га пасайди. В/б юборишда бу кўрсаткичлар янада ёмонлашди: лейкоцитлар –45%, эритроцитлар –25%, гемоглобин –20%.

Солид Эрлих ўсмаси моделида (СЭЎ) 4-кундан бошлаб перорал 100 мг/кг К-20 96/97% ўсма ўсишини тўхтатди ва 33% ҳолатда регресс кузатилди. В/б 4 мг/кг доза 74/77% самара берди. Солиштириш учун, циклофосфан – 70/73%. К-20 препаратлари тана оғирлигини камайтирди: 4 мг/кг — 13%, 100 мг/кг — 3,6%. Циклофосфан 10% га. Талоқ массаси циклофосфан гуруҳида –33% га тушди, К-20 гуруҳларида эса назорат даражасида қолди.

Шунинг учун СЭЎ моделида колхиприт-нео (100 мг/кг) 23% юқори самара берди (К-20 в/б) ва 26% (циклофосфан) нисбатан.

Асцит шаклидаги Эрлих карциномаси (ЭАК) моделида перорал К-20 30,2 кунгача умрни узайтирди — бу назорат гуруҳидан 64,1% кўпроқ. К-20 в/б юборилганда бу кўрсаткич 45,6% ни ташкил қилди.

УКС моделида (каламушларда) 5-кундан 10 марта юборилган 30 мг/кг перорал доза 90/90% самара берди, 16% регресс билан. Бу К-20 в/б (ЎЎТ 59/56%) нисбатан 31–34% юқори бўлди, ножўя таъсирлари эса камайди.

Саркома 45 моделида 4-кундан бошлаб в/б 2 мг/кг доза ЎЎТ 70/70% берди. Перорал 30 мг/кг доза — 90/90%, талоқ массаси фақат 3% га тушди.

ТЎ (тухумдонлар ўсмаси) моделида К-20 (2 мг/кг, в/б) — 60/61% самара, талоқ массаси –10%, тана оғирлиги +5,6%. Перорал 100 мг/кг доза — ўсма ўсишини 90% тўхтатди, 40% регресс. Талоқ массаси назорат даражасида, тана оғирлиги +6%.

10 марта юбориш схемаси самарадорлиги исботланганидан сўнг, даволаш сонини камайтириш ва кечикиб бошлаш имкониятлари баҳоланди.

СЭЎ моделида 15-кундан бошлаб (8 марта) К-20 (3 мг/кг, в/б) — 71/69%. Эрта даволаш (2-кун, 10 марта) — 72/79%. Колхиприт-нео (100 мг/кг) — 91/90%, фақат 5% камроқ. 200 мг/кг доза — 89/87%. Ҳеч бир гуруҳда тана оғирлиги камаймади, талоқ массаси ортиб борди.

Саркома 45 моделида (10-кундан бошлаб) колхиприт-нео (30 мг/кг, 8 марта) — 88/87%, К-20 в/б га нисбатан 21% юқори (3-жадвалга қаранг).

**3-жадвал**

**Колхиприт-неонинг турли юбориш режимлари ва усулларидаги самарасини таққослаш**

Юбориш усули, доза	СЭЎ	Саркома 180	Эрлих асцит карциномаси (% УПЖ)	УКС	Саркома 45	ТС
Эрта юбориш (2–3 кун, 10 марта юбориш, %ЎЎТ [V/M])						
К-20 в/бр - 4мг/кг	82/86	41/45	45,6	59/56	70/70	61/61
Колхиприт-нео Per <sup>®</sup> os-100мг/кг	96/97	86/82	64,1	90/90	90/91	90/90
Колхиприт-нео Per <sup>®</sup> os-200мг/кг	52/58					
Кечки юбориш (даволаш бошланган кун, 8 марта юбориш, %ЎЎТ [V/M])						
колхиприт 3 мг/кг (в/б)	15кун-71/69				10кун-67/66	
Per <sup>®</sup> os-100мг/кг	15кун-93/88				10кун-88/87	
Per <sup>®</sup> os-200мг/кг	15кун-89/87					

Шундай қилиб, препаратни кечки даврда ва камроқ марта юборилганда ҳам фаол эканлиги ҳақидаги олинган маълумотлар Колхипритнинг СЭЎ ва Саркома 45 штаммларида бу режимлардаги самарадорлигини кўрсатади.

Диссертациянинг «**Колхиприт-неонинг ўсмага қарши таъсирини анъанавий кимёвий препаратларининг таъсири билан солиштириш**» дея номланган **тўртинчи бобида** Колхиприт-неонинг ўсмага қарши самараси амалда мавжуд цитостатиклар билан таққосланди, бу эса унинг устун жиҳатларини аниқлаш учун зарур эди.

Шу муносабат билан янги препарат — колхиприт-неонинг самарадорлиги қатор тижоратдаги ўсмага қарши воситалар билан таққосланди. Улар орасида тубулин билан ўзаро таъсир қилувчи механизмга эга препаратлар (этопозид, винкристин, таксол), алкилловчи таъсирдаги цитостатиклар (доксорубицин, цисплатин, циклофосфан) ҳамда оғиз орқали қабул қилиниши мумкин бўлган кселода бор эди.

Саркома 180 моделида колхиприт-нео оғиз орқали бир марта 100 мг/кг дозада юборилганда юқори фаоллик (92/90%) намоён этди, бу натижа кселода (65/62%), доксорубицин (88/90%) ва цисплатин (82/86%) самарасидан устун келди. Шу билан бирга, ножўя таъсирлар минимал бўлиб, гемопоэз кўрсаткичларининг енгил пасайиши билан чекланди.

Колхиприт-неонинг таксол ва доксорубицин билан таққосланиши натижасида унинг ўсмага қарши фаоллиги улардан 4–10% юқори эканлиги аниқланди, кселодага нисбатан эса 27% юқори. Қўшимча афзаллик сифатида колхиприт-неонинг жисм вазни, талоқ ва қон яратиш тизимида бўлган таъсирининг юмшоқлиги қайд этилди.

Эрлихнинг солид ўсмаси моделида сичқонларда 100 мг/кг доза препарат ўсма ўсишини 97/94%гача тўхтатди ва 25% ҳолатда ўсма регрессига эришилди. Худди шу шароитда этопозид ва таксол самарадорлиги 84/84% ва 88/81%ни ташкил этди ва 25% ҳолатда регресс қайд этилди. Аммо ҳар иккала препарат ҳам лейкоцитлар даражасининг 28–30%га пасайишига сабаб бўлди.

УКС ўсмали каламушларда колхиприт-нео 90/90% самара кўрсатиб, 16% ҳолатда ўсма регрессини таъминлади. Бу натижа доксорубицин (89/80%), этопозид (89/90%), таксол (82/84%) ва 5-фторурацил (71/74%) кўрсаткичлари билан таққосланади. Бироқ доксорубицин олган гуруҳда ҳайвонларнинг 16% ҳалок бўлди, этопозид ва 5-ФУ эса талоқ массасини 40%гача камайтирди.

Саркома 45 моделида каламушларда препаратлар 10 кундан сўнг юборилганда (8 марта), колхиприт-нео энг юқори самарадорликни кўрсатди (88/87%), бошқа барча препаратларга нисбатан устун келди. Бунда ножўя таъсир даражаси паст бўлди. Доксорубицин, таксол ва цисплатин кейинги босқичларда қўлланилганда 2–5%га кам самара берди ва аниқ токсик таъсирлар, жумладан жисм вазни, талоқ массаси камайиши ва ҳайвонлар ўлими кузатилди.

Кселода ўртача самарадорликни намоён этди (61/62%), аммо бу гуруҳда ҳайвонларнинг 50% ҳалок бўлди. 5-фторурацил 10 мг/кг (8 марта) дозада юборилганда 61/56% самара берди, лекин гуруҳнинг учдан бири ҳалок бўлди. Этопозид (7 мг/кг) ўсмани сезиларли даражада тўхтатди (84/82%), лекин 16%

ўлим қайд этилди. Циклофосфан эса энг юқори юбориладиган доза 10 мг/кг (8 марта)да 71/72% самара берди, аммо 33% ҳолатда ўлимга олиб келди (4-жадвалга қаранг).

Колхиприт-неонинг бир қатор машхур дори воситалари билан таққосланган ўсмага қарши фаолликка оид олинган маълумотлар ушбу препаратни истиқболли деб ҳисоблашга асос беради, чунки 4 та ўсмада у юқори фаоллик намоиш этди: таксолга нисбатан 2 ва 8/13%га, цисплатинга нисбатан 10/4%га, этопозидга нисбатан 6–12%га устун келди; 5-фторурацил ва циклофосфан 20–25% камроқ фаоллик кўрсатди, кселода эса 27–29%га паст фаоллик намоиш этди. Шу билан бирга, айниқса саркома 45 ўсмасига таъсирида бир қатор ножўя таъсирлар: ҳайвонлар нобуд бўлиши, тана вазни ва талоқ массасининг камайиши кузатилди, бу уларнинг ножўя таъсир даражасини акс эттиради ва колхиприт-нео ҳам юқори фаол, ҳам камроқ заҳарли эканини кўрсатади.

#### 4-жадвал

#### Колхиприт-неонинг бошқа дори воситалари билан таъсирини таққослаш

Юбориш йўли, дозаси	СЭЎ	Саркома 180	УКС	Саркома 45	ТЎ
К-20 к/и -	82/86	41/45	59/56	70/70	61/61
Колхиприт-нео	96/94	92/90	90/90	90/91	90/90
Per'os-					
Кселода		65/62		61/62	
Доксирубицин		88/90	89/89	82/83	85/79
Цисплатин		82/86		83/83	
Таксол	88/81	88/90	88/90	83/83	88/87
Этопозид	84/84		82/84	84/82	
5-фторурацил			71/74	61/56	
Циклофосфан	70/73			71/72	

Диссертациянинг «Колхиприт-нео препарати фармако-токсикологиясини доклиник ўрганиш» дея номланган бешинчи бобида оғиз орқали қабул қилинганда унинг тажриба ҳайвонлари организмига зарар етказиш хусусияти ва даражасини ҳамда хавфсизлигини баҳолаш мақсадида фармакотоксикологик тадқиқотлар натижалари баҳоланди.

Колхиприт-нео препаратининг сурункали заҳарлилигини баҳолаш доирасида каламушларда 30 кунлик тадқиқот ўтказилди. Препарат оғиз орқали юборилди. Доза сифатида 3 та даража танланди: 30 мг/кг ( $LD_{50}$ нинг 1/40 қисмига мос), 61 мг/кг ( $LD_{50}$ нинг 1/20 қисми), ва 122 мг/кг ( $LD_{50}$ нинг 1/10 қисми). Ушбу қийматлар аввалги маълумотларга кўра 8–10 марта юборишда энг юқори ўсмага қарши фаоллик кузатилгани боис танланган.

